

# نحو مير

## НАХВ МИЙР

*(Араб тили наҳв фанидан дарслик)*

Таржимон:

**Афзалжон Аббасов**

Мусахҳих:

**Анвар Аҳмад**

**www.arabic.uz**

**Тошкент:**

**2014**

## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

### **Ушбу китобни форсийдан арабийга таржима қилган Ҳомид Ҳусайн раҳимаҳуллоҳнинг муқаддимаси**

(Изоҳлар муаллифи Абдулқодир Аҳмад ибн Абдулқодир)

Бизни ҳақ йўлга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганда, ўзимиз йўл топа олмас эдик. Набийларнинг энг шарафлиси бўлган Муҳаммад алайҳиссалом, у кишининг яхши, покдамон аҳллари ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавати ва саломи бўлсин.

Аммо баъд: Араб тили илмларини ўрганишга бел боғлаганларнинг Мавлоларининг розилигига эришиб ҳам дунёда, ҳам охиратда саодатга эришишдан бошқа мақсадлари бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бундай бахту-саодатга эришиш фақатгина Аллоҳ ва Расулининг тоати билан бўлади. Тоат эса Қуръоний оятлар ва набавий ҳадисларни фаҳмлаш ила бўлади. Наҳвий қоидаларни билишдан насибаси бўлмаган бандага бу нарса жуда мушкулдир. Бас, ушбу илмни бошловчиларга очик-ойдин диннинг илмларини фаҳмлашда ва қиёмат куни нажот топишимда васила бўлиши учун “Наҳв мийр”ни арабчага таржима

қилиш учун енгимни шимардим. Эй Роббимиз,  
биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи,  
билувчи зотсан. Ва тавбамизни қабул эт. Албатта,  
Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи,  
раҳмли зотсан. Омин эй оламларнинг Роббиси!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## مُقَدِّمَةُ الْمُؤَلِّفِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى خَيْرِ خَلْقِهِ مُحَمَّدٍ  
وَآلِهِ أَجْمَعِينَ.

أَمَّا بَعْدُ!

اعْلَمْ - أَرشَدَكَ اللهُ تَعَالَى - إِنَّ هَذَا مُخْتَصَرٌ مَضْبُوطٌ فِي عِلْمِ النَّحْوِ: يَهْدِي  
الْمُبْتَدِئِينَ بَعْدَ مَا حَفِظُوا مُفْرَدَاتِ اللُّغَةِ، وَعَرَفُوا اشْتِقَاقَ أَلْفَاظِهَا؛ وَضَبَطُوا مُهِمَّاتِ  
التَّصْرِيفِ بِسَهُولَةٍ الْإِسْتِفَادَةِ حَيْثُ يُنْشِئُ فِيهِمْ مَلَكَةَ التَّرْكِيبِ الْعَرَبِيِّ؛ وَيُسَاعِدُهُمْ فِي  
مَعْرِفَةِ الْإِعْرَابِ وَالْبِنَاءِ وَالْقِرَاءَةِ بِتَوْفِيقِ اللهِ تَعَالَى وَعَوْنِهِ.

## МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ

Раҳмати бу дунёда умум инсониятга, қиёматда мўминларга хос бўлган Аллоҳ номи ила.

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин, оқибат тақводорларникидир. Аллоҳнинг энг яхши бандаси Муҳаммад алайҳиссалом ва у зот аҳлларининг барчасига салоту саломлар бўлсин.

Аmmo баъд: Аллоҳ сени тўғри йўлга бошлагур! Билгинки бу – наҳв илми ўз ичига олганларнинг мухтасаридир.

Араб тилини ўрганишда бошланғич даражада бўлган талаба сўзларни ҳифз қилгач, иштиқоқни англагач ( Иштиқоқ – асл сўзлардан бошқа сўзларни чиқариб олиб, яшаш), сарфнинг муҳим қоидаларини ёд олгач унга арабий таркибнинг кайфияти енгил бўлади.

Шунда толиб ушбу енгиллик ила тезда эъробни, бинони ва ўқишни ўзлаштиради.

Албатта бу нарсалар фақатгина Аллоҳнинг тавфиқи ва ёрдами биландир!

## فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ كَلَامِ الْعَرَبِ

اعْلَمْ! أَنَّ اللَّفْظَ الْمُسْتَعْمَلَ فِي كَلَامِ الْعَرَبِ قِسْمَانِ:

١ - مُفْرَدٌ

٢ - وَمُرَكَّبٌ.

## Араб каломининг қисмлари ҳақидаги фасл

Билгинки, араб каломида истеъмол қилинувчи  
лафз икки қисмдир:

1. Муфрад.
2. Мураккаб.

فَالْمُفْرَدُ: لَفْظٌ مُنْفَرِدٌ يَدُلُّ عَلَى مَعْنَى وَاحِدٍ مُفْرَدٍ، يُقَالُ لَهُ الْكَلِمَةُ أَيْضًا، وَالْكَالِمَةُ  
عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَامٍ:

١ - إِسْمٌ، مِثْلُ: «رَجُلٌ»،

٢ - وَفِعْلٌ، مِثْلُ: «ضَرَبَ»،

٣ - وَحَرْفٌ، مِثْلُ: «هَلْ»؛ كَمَا عَلِمْتَ فِي عِلْمِ الصَّرْفِ.

**Муфрад:** Бир маънога далолат қилувчи лафздир. Уни “калима” деб ҳам номлайдилар. Муфрад уч қисмдир:

1. Исм, мисол: رَجُلٌ.
2. Феъл, мисол: ضَرَبَ.
3. Ҳарф, мисол: هَلْ.

*(Изоҳ: Исм бирорта замонга алоқаси бўлмаган, ўзидаги маънога далолат қилган лафздир, мисол:*

مُحَمَّدٌ، حِصَانٌ، ذَكَاءٌ، حَجْرٌ.

*Феъл бирорта замонга алоқаси бўлган, “рўй бериш”, “бажариш” каби ўзидаги маънога далолат қилган лафздир, мисол:*

صَلَّى، صَامَ، يَصُومُ، أَشْهَدُ.

*Ҳарф ўзидан бошқанинг маъносига далолат қилган лафз бўлиб, уни исм ва феъл каби ажратиб олиниши мумкин бўлган аломати йўқ, мисол:*

عَلَى، مِنْ، فِي

وَأَمَّا الْمُرَكَّبُ: لَفْظٌ يَتَرَكَّبُ مِنْ كَلِمَتَيْنِ أَوْ أَكْثَرَ.

وَالْمُرَكَّبُ قِسْمَانِ:

۱ - مُفِيدٌ،

۲ - وَعَيْرٌ مُفِيدٌ.

**Мураккаб:** Икки ёки ундан кўп калималардан ташкил топган лафздир.

Мураккаб икки қисмдир:

1. Маъноси тугал.
2. Маъноси тугал бўлмаган.

فَالْمُرْكَبُ الْمُفِيدُ: هُوَ الَّذِي إِذَا سَكَتَ عَلَيْهِ الْقَائِلُ يَحْضُلُ لِلسَّمْعِ لَهُ خَبْرٌ أَوْ  
طَلَبٌ، يُسَمَّى جُمْلَةً، وَكَلَامًا أَيْضًا.

فَالْجُمْلَةُ عَلَي قِسْمَيْنِ:

۱ - خَبَرِيَّةٌ،

۲ - وَإِنْشَائِيَّةٌ.

Сўзловчи гапидан тўхтагач унинг гапини тинглаган тингловчи учун маъно тугал бўлса, у маъноси тугал мураккаб бўлади. Уни “жумла” деб атайдилар, шунингдек “калом” деб ҳам номлайдилар. (Бунинг акси бўлса, у маъноси тугал бўлмаган мураккаб бўлади).

Жумланинг ўзи икки қисмдир:

1. Хабарий.
2. Иншойий.

## فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ الْمُرَكَّبِ الْمُفِيدِ

إِعْلَمَنَّ أَنَّ الْجُمْلَةَ الْخَبَرِيَّةَ: مَا يُتَّصَفُ قَائِلُهَا بِالصِّدْقِ أَوْ الْكُذْبِ.

وَهِيَ نَوْعَانِ:

الأوَّلُ: مَا كَانَ جُزْءُهُ الْأَوَّلُ اسْمًا، فَتُسَمَّى جُمْلَةً إِسْمِيَّةً، مِثْلُ: «زَيْدٌ عَالِمٌ»؛ جُزْءُهُ الْأَوَّلُ مُسْنَدٌ إِلَيْهِ وَيُسَمَّى مُبْتَدَأً، وَجُزْءُهُ الثَّانِي مُسْنَدٌ وَيُسَمَّى خَبْرًا.

وَالثَّانِي: مَا كَانَ جُزْءُهُ الْأَوَّلُ فِعْلًا، فَتُسَمَّى جُمْلَةً فِعْلِيَّةً، مِثْلُ: «ضَرَبَ زَيْدٌ»؛ جُزْءُهُ الْأَوَّلُ مُسْنَدٌ وَيُقَالُ لَهُ الْفِعْلُ، وَجُزْءُهُ الثَّانِي مُسْنَدٌ إِلَيْهِ وَيُقَالُ لَهُ الْفَاعِلُ.

إِعْلَمَنَّ أَنَّ الْمُسْنَدَ حُكْمًا، وَالْمُسْنَدُ إِلَيْهِ مَا يُحْكَمُ عَلَيْهِ. وَالْإِسْمُ يَكُونُ مُسْنَدًا وَمُسْنَدًا إِلَيْهِ. وَالْفِعْلُ يَكُونُ مُسْنَدًا، لَا مُسْنَدًا إِلَيْهِ، وَالْحَرْفُ لَا يَكُونُ مُسْنَدًا وَلَا مُسْنَدًا إِلَيْهِ.

**Маъноси тугал мураккаб лафзнинг  
қисмлари ҳақидаги фасл**



Билгинки, сўзловчисини ростгўй ёки ёлғончи деб васф қилиш мумкин бўлган жумла хабарий жумладир.

У икки навъдир:

1. Унинг аввалги қисми исм бўлади ва у “исмий жумла” деб номланади.

Мисол: زَيْدٌ عَالِمٌ. Унинг аввалги қисми “муснад илайҳ” бўлади ва “мубтадо” деб номланади. Иккинчи қисми “муснад” бўлади ва “хабар” деб номланади.

2. Унинг аввалги қисми феъл бўлади ва у “феълий жумла” деб номланади.

Мисол: ضَرَبَ زَيْدٌ. Унинг аввалги қисми “муснад” бўлади ва “феъл” деб номланади. Иккинчи қисми “муснад илайҳ” бўлади ва “фоил” деб номланади.

Билгинки, муснад у ила ҳукм қилинувчидир. Муснад илайҳ эса, унинг устига ҳукм қилингандир. Исм муснад ва муснад илайҳ бўлиб келиши мумкин. Феъл фақатгина муснад бўлиб келади ва муснад илайҳ бўлиб келмайди. Ҳарф эса муснад ҳам, муснад илайҳ ҳам бўлиб келмайди.

*(Изоҳ: Иснод (الإِسْنَادُ) бир нарса ила бошқа нарсага ҳукм қилишидир. Масалан “Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидир” жумласи ила Қуръонни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизалари эканлигига ҳукм қилингани каби. У ила ҳукм қилинган “муснад” деб*

номланади, устига ҳукм қилинган “муснад илайҳ” деб номланади. Бизнинг мисолимизда “Қуръон” устига ҳукм қилинган, яъни муснад илайҳдир. “Муъжиза” у ила ҳукм қилинган, яъни муснаддир.)

إِعْلَمَنَّ أَنَّ الْجُمْلَةَ الْإِنْشَائِيَّةَ: مَا لَا يُتَّصَفُ قَائِلُهَا بِالصِّدْقِ أَوْ الْكُذْبِ.

وَهِيَ عَلَى أَقْسَامٍ:

- الْأَمْرُ، مِثْلُ: «افْعَلْ»،
- وَالنَّهْيُ، مِثْلُ: «لَا تَضْرِبْ»،
- وَالِاسْتِفْهَامُ، مِثْلُ: «هَلْ ضَرَبَ زَيْدٌ؟»،
- وَالتَّمْيِيزُ، مِثْلُ: «لَيْتَ زَيْدًا حَاضِرًا»،
- وَالتَّرْجِيحُ، مِثْلُ: «لَعَلَّ عَمْرًا غَالِبٌ»،
- وَالْعُقُودُ، مِثْلُ: «بِعْتُ وَاشْتَرَيْتُ»،
- وَالنِّدَاءُ، مِثْلُ: «يَا اللَّهُ!»،
- وَالْعَرْضُ، مِثْلُ: «أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبَ خَيْرًا»،
- وَالْقَسَمُ، مِثْلُ: «وَاللَّهِ لَأَضْرِبَنَّ زَيْدًا»،
- وَالتَّعْجُبُ، مِثْلُ: «مَا أَحْسَنَهُ، وَأَحْسِنُ بِهِ!».

Сўзловчисини ростгўй ёки ёлғончи деб васф қилиш мумкин бўлмаган жумла иншойий жумладир. У ўн қисмдир:

1. Амр, мисол: اِفْعَلْ (бажар).
2. Наҳй, мисол: لَا تَضْرِبْ (урма).
3. Истифҳом, мисол: هَلْ ضَرَبَ زَيْدٌ؟ (Зайд урдими?).
4. Таманни, мисол: كَيْتَ زَيْدًا حَاضِرٌ (кошкиди Зайд ҳозир бўлса).
5. Тарожжи, мисол: لَعَلَّ عَمْرًا غَائِبٌ (шоядки Амр ғойиб бўлса).
6. Ақд боғлаш (келишиш), мисол: بَعْتُ وَاشْتَرَيْتُ (сотувчи: “сотдим”, ҳаридор: “сотиб олдим”).
7. Нидо, мисол: يَا اللَّهُ.
8. Арз, яъни таклиф, мисол: أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبَ خَيْرًا (ҳузуримизга тушмайсанми, сенга яхшилик етар эди).
9. Қасам, мисол: وَاللَّهِ لَأَضْرِبَنَّ زَيْدًا (Аллоҳга қасамки, Зайдни ураман).
10. Таъажжуб, мисол: مَا أَحْسَنَهُ، أَحْسِنُ بِهِ (бунчалар яхши).

## فصل في أقسام المركب غير المفيد

إِغْلَمَ أَنَّ الْمُرَكَّبَ غَيْرَ الْمُفِيدِ: هُوَ الَّذِي إِذَا سَكَتَ عَلَيْهِ الْقَائِلُ، لَا يَحْصُلُ لِلْسَّامِعِ لَهُ خَبْرٌ أَوْ طَلَبٌ.

## Маъноси тугал бўлмаган мураккаб ҳақидаги фасл

Билгинки, сўзловчи гапидан тўхтагач унинг гапини тинглаган тингловчи учун хабар ёки талаб ҳосил қилмаган лафз маъноси тугал бўлмаган мураккабдир.

وَهُوَ عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَامٍ:

الْأَوَّلُ: الْمُرَكَّبُ الْإِضَافِيُّ: مِثْلُ: «غُلَامٌ زَيْدٍ»؛ جُزْءُهُ الْأَوَّلُ: أَيِ «غُلَامٌ» مُضَافٌ وَجُزْءُهُ الثَّانِي: «زَيْدٍ» مُضَافٌ إِلَيْهِ، وَهُوَ مُجْرُورٌ دَائِمًا.

У уч қисмдир:

1. Изофий мураккаб, мисол: غُلَامٌ زَيْدٍ.

Унинг аввалги жузъи, яъни غَلَامٌ “музоф” деб номланади. Иккинчи жузъи, яъни زَيْدٌ “музофун илайх” деб номланади ва доимо жор ҳолатида бўлади. (“Жор” ҳақида келгуси дарслар баён қилинади).

وَالثَّانِي: الْمُرَكَّبُ الْعَدَدِيُّ: هُوَ مَا جُعِلَ الْأِسْمَانِ فِيهِ اسْمًا وَاحِدًا، وَيَتَضَمَّنُ الْإِسْمَ الثَّانِي حَرْفًا وَاحِدًا، مِثْلُ: «أَحَدَ عَشَرَ» إِلَى «تِسْعَةَ عَشَرَ»؛ وَكَانَ فِي الْأَصْلِ «أَحَدٌ وَعَشْرٌ»، وَ«تِسْعَةٌ وَعَشْرٌ»، حُذِفَتِ الْوَاوُ وَجُعِلَ الْأِسْمَانِ وَاحِدًا وَيَكُونُ الْجُزْأَنِ مَبْنِيَيْنِ عَلَى الْفَتْحِ إِلَّا «اثنَى عَشَرَ»، فَجُزْؤُهُ الْأَوَّلُ مُعْرَبٌ.

2. Ададий мураккаб. У иккови бир исмга айлантирилган икки исмдан ташкил топган бўлади. Бунда иккинчи исм замирида ҳарф бўлади (яъни атф ҳарфларидан бўлган *و*).

Мисол: تِسْعَةَ عَشَرَ دَانٍ أَحَدًا عَشَرَ гача. Бу мисолларнинг асли: أَحَدٌ وَعَشْرٌ ва تِسْعَةٌ وَعَشْرٌ Эди. *و* ҳазф қилинган ва икки исм бир исмга айлантирилган. تِسْعَةَ عَشَرَ دَانٍ أَحَدًا عَشَرَ гача бўлганларнинг барчасида иккала жузъи фатҳага мабний. Фақат اثنان عَشَرَ нинг аввалги қисми мўъроб. (Мабний ва мўъроб ҳақида келгусида баён қилинади).

**(Изоҳ:** Мураккаб ададий – икки ададдан ташкил топган бўлиб, ораларида тақдирда бўлган атф ҳарфи

бўлган лафздир. У мазжий (аралаш) мураккабларга киради. Мураккаб ададийларга оятлардан мисоллар:

«إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا»

Маъноси: “...мен ўн битта юлдузни ҳам қуёш ва ойни кўрдим...” (Юсуф 4).

أَحَدَ عَشَرَ мураккаб адади иккала жузъи фатҳага мабний исм, насб ўрнида мафъулун биҳ.

«عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ»

Маъноси: “...унинг устида ўн тўққизта (фаришта) бордир...” (Муддассир 30).

تِسْعَةَ عَشَرَ мураккаб адади иккала жузъи фатҳага мабний исм, рафъ ўрнида мубтадо муаххар.

«وَبَعَثْنَا مِنْهُمُ اثْنَيْ عَشَرَ نَقِيًّا»

Маъноси: “...улардан ўн иккитасини нақиб қилиб юбордик...” (Моид 12).

(Бани Исроил–яхудийлардир. Исроил–Яъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исмлари. Маълумки, у кишининг ўн иккита ўғиллари бўлган. Ушбу ўн икки ўғилдан тарқалган зурриётлар Бани Исроилни ташкил этади. Аллоҳ таоло аҳдни ўша ўн икки уругнинг (асботнинг) ўн икки нақиб–вакилидан олган.)

ئىنى *насб ҳолида мафъулун бих, عشرَ* фатҳага мабний жузъ, эъробда ўрни йўқ.

«إِنَّ عِدَّةَ الشُّهُورِ عِنْدَ اللَّهِ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا»

*Маъноси: “Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ойларнинг сони, Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган” (Тавба 36).*

ئىنا *рафъ ҳолатида* اِنَّ *нинг хабари.*)

وَالثَّالِثُ: مُرَكَّبٌ مَنْعُ الصَّرْفِ: وَهُوَ مَا جُعِلَ الْأِسْمَانِ فِيهِ اسْمًا وَاحِدًا، وَلَا يَتَضَمَّنُ الْأِسْمُ الثَّانِي حَرْفًا، مِثْلُ: «بَعْلَبَكُ» وَ«حَضَرَ مَوْتُ»؛ فَالْجُزْءُ الْأَوَّلُ مِنْهُمَا مَبْنِيٌّ عَلَى الْفَتْحِ عَلَى مَذْهَبِ أَكْثَرِ الْعُلَمَاءِ، وَالْجُزْءُ الثَّانِي مُعْرَبٌ.

وَاعْلَمْ أَنَّ الْمُرَكَّبَ غَيْرَ الْمُفِيدِ يَكُونُ جُزْءَ الْجُمْلَةِ دَائِمًا، مِثْلُ: «غُلَامٌ زَيْدٌ قَائِمٌ»، وَ«عِنْدِي أَحَدٌ عَشَرَ دِرْهَمًا»، وَ«جَاءَ بَعْلَبَكُ».

3. Сарфдан манъ бўлган мураккаб. (Сарфдан манъ бўлиш ҳақида қуйида баён қилинади). Иккови бир исмга айлантирилган икки исмдан ташкил топган бўлади. Бунда иккинчи исмнинг замирида ҳарф бўлмайди. Мисол:

بَعْلَبَكُ، حَضَرَ مَوْتُ

Аксар уламолар наздида бундай сўзларнинг аввалги жузъи фатҳага мабний бўлади. Иккинчи жузъи эса мўъробдир.

(Изоҳ: *بَعْلُكُ* исмидаги *بَعْلُ* жузъи санамнинг номи, *بَعْلُكُ* жузъи фариштанинг номи. Иккала жузъ таркиб топиб Ливан жумҳуриятидаги шаҳарга ном бўлган.

*حَضْرَمَوْتُ* исмидаги *حَضْرَ* жузъи мозий феълидан олингандир, *مَوْتُ* “ўлим” маъносида келади. Иккала жузъ таркиб топиб, Ямандаги бир шаҳарга ном бўлган.)

Билгинки, маъноси тугал бўлмаган мураккаб лафз доимо жумланинг бир қисми бўлади ва ўзи мустақил жумла бўла олмайди.

Мисоллар: *عُلَامُ زَيْدٍ قَائِمٌ* (Зайднинг ғуломи турувчидир), *عِنْدِي أَحَدَ عَشَرَ دِرْهَمًا* (Менда ўн бир дирҳам бор), *جَاءَ بَعْلُكَ* (Баълабакка келди).

## فَصْلٌ

إِعْلَمَ أَنَّهُ لَا تَبِيحٌ جُمْلَةً مَا إِلَّا بِكَلِمَتَيْنِ لَفْظًا مِثْلُ: «ضَرَبَ زَيْدٌ» وَ«زَيْدٌ قَائِمٌ»، أَوْ تَقْدِيرًا مِثْلُ: «اضْرِبْ»؛ وَ «أَنْتَ» مُسْتَتِرٌ فِيهِ، أَوْ أَكْثَرُ، وَلَا حَدَّ لِلْأَكْثَرِ. وَاعْلَمَ أَنَّ إِذَا كَثُرَتْ كَلِمَاتُ الْجُمْلَةِ، فَلَا بُدَّ لَكَ أَنْ تُمَيِّزَ بَيْنَ الْأِسْمِ وَالْفِعْلِ وَالْحَرْفِ.



وَتَنْظُرُ إِلَى أَنَّهَا إِمَّا مُعْرَبٌ وَإِمَّا مَبْنِيٌّ، عَامِلٌ أَوْ مَعْمُولٌ، وَتَعْلَمُ كَيْفِيَّةَ تَعَلُّقِ الْكَلِمَاتِ  
بَعْضَهَا بِبَعْضٍ، حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكَ الْمُسْنَدُ وَالْمُسْنَدُ إِلَيْهِ، وَتَعْلَمَ مَعْنَى الْجُمْلَةِ بِالتَّحْقِيقِ.

## ФАСЛ

Билгинки, жумла камида икки калимадан ташкил топган бўлади. Унинг икки калимадан ташкил топиши ё лафзан бўлади, мисол: **ضَرَبَ زَيْدٌ** (Зайд урди), **زَيْدٌ** (Зайд турувчидир), ёки тақдиран бўлади, мисол: **أَنْتَ** олмоши бор, **اِضْرِبْ** ушбу амр феълининг замирида.

Гоҳида жумла икки калимадан кўпроқ лафзлардан ташкил топган бўлади. Бунда жумлани ташкил қилувчи калималарнинг чегараланган сони йўқ.

**Билгинки, жумланинг калималари исм, феъл ва ҳарф бўлади. Жумлани кўрганигда унинг калималарини исм, феъл ва ҳарфга ажратгин ва қай бири мўъроб, қай бири мабний эканлигига, қай бири омил, қай бири маъмул эканлигига назар солишинг, муснад ва муснад илайҳ орасини фарқлай олишинг учун калималарнинг бир-бирига боғланиш кайфиятини билишинг ва жумланинг маъносини таҳқиқ ила билишинг зарурдир.**

## فَصْلٌ فِي عِلَامَاتِ الْإِسْمِ وَالْفِعْلِ وَالْحَرْفِ

إِعْلَمَنَّ أَنَّ مِنْ عِلَامَاتِ الْإِسْمِ:

- دُخُولُ الْأَلْفِ وَاللَّامِ، نَحْوُ: «الْحَمْدُ»،

- أَوْ حَرْفٍ مِنْ الْحُرُوفِ الْجَارَةِ فِي أَوَّلِهِ، مِثْلُ: «بَرِيدٍ»،

- أَوْ التَّنْوِينُ فِي آخِرِهِ، مِثْلُ: «بَكْرٌ»،

- أَوْ الْإِسْنَادُ إِلَيْهِ، مِثْلُ: «زَيْدٌ قَائِمٌ»،

- أَوْ الْإِضَافَةُ، مِثْلُ: «عُلَامٌ زَيْدٍ»،

- أَوْ التَّصْغِيرُ، مِثْلُ: «قُرَيْشٍ»،

- أَوْ النَّسْبَةُ، مِثْلُ: «بَعْدَادِيٌّ»،

- أَوْ الشَّيْبَةُ، مِثْلُ: «رَجُلَانِ»،

- أَوْ الْجَمْعُ، مِثْلُ: «رِجَالٌ»،

- أَوْ الْوَصْفُ، مِثْلُ: «جَاءَ رَجُلٌ عَالِمٌ»،

- أَوْ حُقُوقُ تَاءِ التَّأْنِيثِ الْمُتَحَرِّكَةِ، مِثْلُ: «ضَارِبَةٌ».

## ФАСЛ

Билгинки, исмнинг аломатлари ўнта:

1. Унга “алиф-лом”нинг кириши, мисол: الْحَمْدُ.
2. Унинг аввалига ҳарфи жор кириши, мисол: بَرِيدٌ.
3. Унинг охирига танвин кириши, мисол: زَيْدٌ قَائِمٌ.
4. Музоф бўлиши, мисол: غُلَامٌ زَيْدٍ.
5. Тасғир қилинган (ўзбек тилида кичрайтириб “ча” қўшимчаси қўшилгани каби - “китобча”) бўлиши, мисол: قُرَيْشٌ.
6. Бирор жой ёки нарсага мансуб қилинган бўлиши, мисол: بَعْدَادِيٌّ.
7. Тасния бўлиши, мисол: رَجُلَانِ.
8. Жамъ бўлиши, мисол: رِجَالٌ.
9. Мавсуф бўлиши, мисол: جَاءَ رَجُلٌ عَالِمٌ.
10. Охирига ҳаракатли ة муттасил бўлиши, мисол: ضَارِبَةٌ.

وَعَلَامَاتُ الْفِعْلِ مِنْهَا:

– دُخُولٌ قَدْ فِي أَوَّلِهِ، مِثْلُ: «قَدْ ضَرَبَ»،

– أَوِ السَّيْنِ، مِثْلُ: «سَيَضْرُبُ»،

- أَوْ سَوْفَ، مِثْلُ: «سَوْفَ يَضْرِبُ»،
- أَوْ الْحُرُوفِ الْجَازِمَةِ، مِثْلُ: «لَمْ يَضْرِبْ»،
- أَوْ اتِّصَالَ الضَّمَائِرِ الْمَرْفُوعَةِ، مِثْلُ: «ضَرَبْتُ َ»،
- أَوْ تَاءُ التَّأْنِيثِ السَّاكِنَةِ، مِثْلُ: «ضَرَبْتَ»،
- أَوْ الْأَمْرِ، مِثْلُ: «اضْرِبْ»،
- أَوْ النَّهْيِ، مِثْلُ: «لَا تَضْرِبْ».

Феъл аломатлари саккизта:

1. Аввалига قَدْ кириши, мисол: قَدْ ضَرَبَ.
2. Аввалига س ҳарфи кириши, мисол: سَيَضْرِبُ.
3. Аввалига سَوْفَ ҳарфи кириши, мисол: سَوْفَ يَضْرِبُ.
4. Аввалига жазм ҳарфи кириши, мисол: لَمْ يَضْرِبْ.
5. Охирида марфуъ муттасил замир бўлиши, мисол: ضَرَبْتُ.
6. Охирида сукунли ت бўлиши, мисол: ضَرَبْتَ.
7. Амр бўлиши, мисол: اضْرِبْ.
8. Наҳий бўлиши, мисол: لَا تَضْرِبْ.

وَعَلَامَةُ الْحَرْفِ: إِنَّ لَا تُوجَدُ فِيهِ عَلَامَةٌ مِنْ عِلَامَاتِ الْإِسْمِ وَالْفِعْلِ.

Ҳарфнинг аломати у исм ва феъл аломатларидан ҳолий бўлишдир.

## فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ كَلِمَاتِ الْعَرَبِ

إِعْلَمَنَّ أَنَّ جُمْلَةَ كَلِمَاتِ الْعَرَبِ قِسْمَانِ:

١ - مُعْرَبٌ،

٢ - وَمَبْنِيٌّ؛

## Араб калималарининг қисмлари ҳақидаги фасл

Билгинки, барча араб калималари икки қисмдир: мўъроб ва мабний.

فَالْمُعْرَبُ مِنْهَا: مَا تَحْتَلِفُ حَرَكَهُ آخِرِهِ بِاخْتِلَافِ الْعَوَامِلِ، مِثْلُ: «زَيْدٌ»، فِي «جَاءَنِي زَيْدٌ»، وَ«رَأَيْتُ زَيْدًا»، وَ«مَرَرْتُ بِزَيْدٍ»؛ «جَاءَ» عَامِلٌ، وَ«زَيْدٌ» مُعْرَبٌ وَالضَّمَّةُ إِعْرَابٌ، وَالذَّالُّ مَحَلُّ الْإِعْرَابِ.

وَالْمَبْنِيُّ: مَا لَا تَخْتَلِفُ حَرَكَهُ آخِرِهِ بِاخْتِلَافِ الْعَوَامِلِ، مِثْلُ هُوَلاءِ، وَهُوَ سَوَاءٌ رَفْعًا وَنَصْبًا وَجَرًّا.

Мўъроб: унинг охири омилларнинг турланиши ила ўзгаради.

Мўъробнинг турлари:

جَاءَنِي زَيْدٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ.

Аввалги жумлада جاءٌ омил, زَيْدٌ мўъроб, زَيْدٌдаги замма эъроб, زَيْدٌдаги > эъроб ўрни.

(Эъроб икки қисмдир: аввалгиси ҳаракат ила эъроб, улар учта: замма, фатҳа, касра.

Иккинчиси, ҳарф ила эъроб, улар ҳам учта: و، ا، ي.

جَاءَنِي زَيْدٌ جَاءَنِي زَيْدٌ مِثْلُ رَأَيْتُ زَيْدًا، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ қиёсланг!).

Мабний: унинг охири омилларнинг турланиши ила ўзгармайди.

Масалан: هُوَلاءِ рафъ, насб ва жор ҳолатларида бир кўринишда қолади.

فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ الْمَبْنِيِّ

جُمْلَةُ الحُرُوفِ مَبْنِيَّةٌ، وَكَذَلِكَ مِنَ الأَفْعَالِ: الفِعْلُ المَاضِي وَأَمْرُ الحَاضِرِ المَعْرُوفُ  
وَالْمُضَارِعُ المُتَّصِلُ بِنُونِ التَّسْوَةِ وَنُونِ التَّأْكِيدِ.

## Мабнийнинг қисмлари ҳақидаги фасл

Билгинки, барча ҳарфлар мабнийдир.

Феъллардан мабний бўлганлари қуйидагилар:

1. Мозий феъли.

2. Амри ҳозир феъли (ﻻ сиз амр).

3. Охирига муаннас жамъининг ﺿﻲ, ташдидли ва ташдидсиз ﺿﻲ тавкид муттасил бўлган музореъ феъли.

(Изоҳ: *Музореъ феъли унга ташдидли ёки ташдидсиз ﺿﻲ тавкид муттасил бўлса, фатҳага мабний қилинади, ушбу оят мисол:*

«وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لِيُبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءَ الْعَذَابِ»

Маъноси: “Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни

**тоттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла!” (Аърофсураси, 167-оят).**

Агар музореъ фелига муаннас жамъининг *си* муттасил бўлса, сукунга мабний қилинади, ушбу оят мисол:

«قُلْ لِأَزْوَاجِكُمْ وَبَنَاتِكُمْ وَنِسَاءِ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلَابِيبِهِنَّ»

Маъноси: “**Эй Набий, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар**” (Аҳзоб сураси, 59-оят).

وَاعْلَمَ، أَنَّ الْإِسْمَ غَيْرَ التَّمَكُّنِ مَبْنِيٌّ، وَأَمَّا الْإِسْمُ الْمُتَمَكِّنُ، فَمُعْرَبٌ، بِشَرْطِ وَقُوعِهِ فِي التَّرْكِيْبِ، وَالْفِعْلُ الْمُضَارِعُ كَذَلِكَ بِشَرْطِ خُلُوقِهِ عَنِ الثُّنَاتِ الْمَذْكُورَةِ، فَلَا مُعْرَبٌ فِي كَلَامِ الْعَرَبِ إِلَّا هَذَانِ الْقِسْمَانِ، وَمَا سِوَاهُمَا، فَمَبْنِيٌّ.

Билгинки, мутамаккин бўлмаган исм доимо мабнийдир. Исми мутамаккин жумла таркибида келиш шарти ила мўъробдир. Музореъ феъли эса муаннас жамъининг *си*, ташдидли ва ташдидсиз *си* тавкиддан ҳолий бўлиш шарти ила мўъробдир.

Араб тилида исм мутамаккин ва муаннас жамъининг *си* ва ташдидли ва ташдидсиз *си*



тавқиддан ҳолий бўлган музореъ феълидан бошқа ҳаммаси мабнийдир.

وَالِاسْمُ غَيْرُ الْمُتَمَكِّنِ: هُوَ الَّذِي يَشْبَهُ مَبْنِي الْأَصْلِ، وَمَبْنِي الْأَصْلِ ثَلَاثَةٌ:

١ - الْفِعْلُ الْمَاضِي،

٢ - وَالْأَمْرُ الْحَاضِرُ الْمَعْرُوفُ،

٣ - وَجُمْلَةُ الْحُرُوفِ.

وَالِاسْمُ الْمُتَمَكِّنُ: هُوَ الَّذِي لَمْ يَشْبَهُ مَبْنِي الْأَصْلِ.

Мутамаккин бўлмаган исм асл мабнийга ўхшаган исмдир.

Асл мабний уч қисмдир:

1. Мозий феъли.
2. Амр ҳозир феъли (لسيز امر).
3. Барча ҳарфлар.

Исм мутамаккин асл мабнийга ўхшамаган исмдир.

فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ الْإِسْمِ غَيْرِ الْمُتَمَكِّنِ

وَهُوَ عَلَى ثَمَانِيَةِ أَقْسَامٍ:

الأوَّلُ: الْمُضْمَرَاتُ، مِثْلُ: «أَنَا»، وَ«ضَرَبْتُ»، وَ«إِيَّايَ»، وَ«ضَرَبْتَنِي»، وَ«لِي»،

وَعَدَدُهَا سَبْعُونَ.

وَمِنْهَا أَرْبَعَةٌ عَشَرَ مَرْفُوعًا مُتَّصِلًا: ضَرَبْتُ، ضَرَبْنَا، ضَرَبْتَ، ضَرَبْتُمْ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُمْ،

ضَرَبْتِ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُنَّ، ضَرَبَ، ضَرَبْنَا، ضَرَبُوا، ضَرَبْتِ، ضَرَبْتَا، ضَرَبْتِنِ؛

وَأَرْبَعَةٌ عَشَرَ مَرْفُوعًا مُنْفَصِلًا: أَنَا، لِحْنٌ، أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُنَّ، هُوَ،

هُمَا، هُم، هِيَ، هُمَا، هُنَّ؛

وَأَرْبَعَةٌ عَشَرَ مَنْصُوبًا مُتَّصِلًا: قَتَلْتَنِي، قَتَلْنَا، قَتَلْتَ، قَتَلْتُمَا، قَتَلْتُمْ، قَتَلْتِ،

قَتَلْتُمَا، قَتَلْتُنَّ، قَتَلَهُ، قَتَلْتُمَا، قَتَلْتُهُمْ، قَتَلْتَهَا، قَتَلْتُهُنَّ؛

وَأَرْبَعَةٌ عَشَرَ مَنْصُوبًا مُنْفَصِلًا: إِيَّايَ، إِيَّانَا، إِيَّاكَ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكُمْ، إِيَّاكِ، إِيَّاكُمَا،

إِيَّاكُنَّ، إِيَّاهُ، إِيَّاهُمْ، إِيَّاهَا، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُنَّ؛

وَأَرْبَعَةٌ عَشَرَ مَجْرُورًا مُتَّصِلًا: لِي، لَنَا، لَكَ، لَكُمَا، لَكُمْ، لَكَ، لَكُمَا، لَكُنَّ، لَهُ، لَهُمَا،

هُم، هُهَا، هُمَا، هُنَّ.

## Мутамаккин бўлмаган исмларнинг қисмлари ҳақидаги фасл

Билгинки, мутамаккин бўлмаган исм саккиз қисмдир:



لِي، لَنَا، لَكَ، لَكُمْ، لِكُمْ، لَكَ، لَكُمْ، لَكُنْ، لَهُ، هُمَا، هُمْ، هَا، هُمَا، هُنَّ.

(Мажрур мунфасил замир бўлмайди.)

وَالثَّانِي: أَسْمَاءُ الْإِشَارَةِ وَهِيَ: ذَا، وَذَانِ، وَذَيْنِ، وَتَا، وَتَيْنِ، وَتِهِ، وَذِهِ، وَذِهِي، وَتَهِي، وَتَانِ، وَتَيْنِ، وَأَوْلَاءِ بِالْمَدِّ وَأَوْلَى بِالْقَصْرِ.

## 2. Исми ишоралар, улар:

ذَا، ذَانِ، ذَيْنِ، تَا، تَيْنِ، تِهِ، ذِهِ، ذِهِي، تَهِي، تَانِ، تَيْنِ، أَوْلَاءِ أُوْلَى.

Булардан **أَوْلَى** чўзмасдан айтилади, **أَوْلَاءِ** чўзиб айтилади.

وَالثَّلَاثُ: الْأَسْمَاءُ الْمُؤْصُولَاتِ: الَّذِي وَاللَّذَانِ، وَاللَّذَيْنِ، وَالَّذِي، وَالَّتِي، وَاللَّتَانِ، وَاللَّتَيْنِ، وَاللَّوَاتِي، وَاللَّوَاتِي، وَمَا، وَمَنْ، وَأَيُّ، وَأَيَّةُ، وَالْأَلْفُ وَاللَّامُ بِمَعْنَى الَّذِي فِي اسْمِ الْفَاعِلِ وَاسْمِ الْمَفْعُولِ، مِثْلُ: «الضَّارِبُ»، مَعْنَاهُ الَّذِي ضَرَبَ، وَ«الْمَضْرُوبُ» مَعْنَاهُ الَّذِي ضُرِبَ، وَذُو بِمَعْنَى الَّذِي فِي لُغَةِ بَنِي طَيِّ، نَحْوُ: «جَاءَنِي ذُو ضَرَبِكَ».

وَاعْلَمْ أَنَّ أَيُّ وَأَيَّةٌ مُعْرَبَانِ.

## 3. Исми мавсулалар, улар:

الَّذِي وَالَّذَانِ، وَالَّذَيْنِ، وَالَّذِي، وَالَّتَانِ، وَالَّتَيْنِ، وَاللَّاتِي، وَاللَّوَاتِي، وَمَا، وَمَنْ،  
وَأَيُّ، وَأَيُّهُ، ال، دُو.

Булardan ал исми фоил ва исми мафъулдагина  
келиб الَّذِي маъносини ифодалайди, мисол:

الضَّارِبُ وَالْمَضْرُوبُ — الَّذِي ضَرَبَ وَالَّذِي ضُرِبَ.

الَّذِي Бани Той қабиласи луғатидагина келиб  
маъносини ифодалайди, мисол:

جَاءَنِي دُو ضَرَبَكَ.

Яъни الَّذِي ضَرَبَكَ.

Билгинки أَيُّ ва أَيُّهُ мўъробдир.

وَالرَّابِعُ: أَسْمَاءُ أَفْعَالٍ: وَهِيَ قِسْمَانِ:

الأوَّلُ: فِي مَعْنَى الأَمْرِ الحَاضِرِ، مِثْلُ: «رُوَيْدٌ»، وَ«بَلَةٌ»، وَ«حَيْهَلٌ»، وَ«هَلْمٌ».

وَالثَّانِي: فِي مَعْنَى الفِعْلِ المَاضِي، مِثْلُ: «هَيْهَاتَ»، وَ«شَتَّانَ».

4. Исм феъллар, улар икки қисмдир:

(1) – Ҳозирги замон амр феъли, мисол:

رُوَيْدًا، بَلَةً، حَيْهَلًا، هَلْمًا.

(2) – Мозий феъли маъносида келади, мисол:

هَيْهَاتَ، شَتَّانَ.

(Изоҳ: “муҳлат бер” маъносида, بَلَّهَ “тарк эт” маъносида, حَيَّهْلَ “бери кел” маъносида, هَلَّمَّ “келтир” маъносида келади. هَيْهَاتَ “узоқ бўлди” маъносида, شَتَّانَ “фарқ қилди” маъносида.)

Музореъ феъли маъносида келувчи исм феъллар камдир, масалан أَفَّ (дакки бериш маъносида). Ушбу оят бунга мисол:

«فَلَا تَقُلْ هُمَا أَفٌّ وَلَا تَنْهَرُهُمَا»

Маъноси: “Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!” (Исро 23).

Мозий феъли маъносида келувчи исм феълларга мисоллар: Ажабланиш маъносидаги آو، آو، яхшилаш маъносидаги بَخَّ ва “кифоя қилади” маъносидаги بَخَّلَ.)

وَإِلْحَامِسُنْ: أَسْمَاءُ الْأَصْوَاتِ مِثْلُ: «أُحُ أُحُ»، وَ«أُفُّ»، وَ«نَحَّ»، وَ«غَاقٌ».

5. Товушларнинг исмлари. Булар мустақил исмлар эмас, лекин улардан эшитилган товуш баъзи маъноларга далолат қилади. Мисол:

أَخْ أَخ، أُفْ، بَحَّ، نَحَّ، غَاقَ.

(Изоҳ: أَخْ أَخ йўталиш маъносида, أُفْ таассуф маъносида,

بَحَّ ҳурсандлик маъносида, نَحَّ туяни чўктиришида, غَاقَ қарганинг овозини ифодалаш учун ишлатилади. Шунингдек هَلَّا отни койишида, عَدَسَ ҳачирни койишида, قَبَّ қилич урилганда ишлатилади.)

وَالسَّادِسُ: أَسْمَاءُ الظُّرُوفِ، وَهِيَ قِسْمَانِ: زَمَانٌ، مَكَانٌ.

فَظَرْفُ الزَّمَانِ: مِثْلُ: إِذْ، وَإِذَا، وَمَتَى، وَكَيْفَ، وَأَيَّانَ، وَأَمْسَ، وَمُنْذُ، وَمُنْذُ، وَقَطُّ، وَعَوَظُ، وَقَبْلُ، وَبَعْدُ، إِذَا كَانَ مُضَافًا، وَالْمُضَافُ إِلَيْهِ مَحْدُوفًا مَنْوِيًّا.  
وَوَظَرْفُ الْمَكَانِ: مِثْلُ: حَيْثُ، وَقُدَّامُ، وَتَحْتُ، وَفَوْقَ، إِذَا كَانَ مُضَافًا وَالْمُضَافُ إِلَيْهِ مَحْدُوفًا مَنْوِيًّا.

6. Зарфларнинг исми, улар икки қисмдир:

(1) – Зарфи замон, мисол:

إِذْ، إِذَا، مَتَى، كَيْفَ، أَيَّانَ، أَمْسَ، مُنْذُ، مُنْذُ، قَطُّ، عَوَظُ، قَبْلُ، بَعْدُ

قَبْلُ ва بَعْدُ лар ўзлари музоф бўлиб, музоф илайҳлари эса дилда бўлган ҳолда маҳзуф бўлганида мабний бўладилар, ушбу оят мисол:

«لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ»

**“Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир”** (Рум сураси, 4-оят).

(2) – Зарфи макон, мисол:

حَيْثُ، قُدَّامُ، تَحْتُ، فَوْقُ.

Буларда ўзлари музоф бўлишлари, музоф илайҳлари эса дилда бўлган ҳолда маҳзуф бўлиши шарт қилинади.

**(Изоҳ:** *كَيْفَ* исми истифҳомдир. У Сийбавайҳ раҳимаҳуллоҳнинг наздларида зарфи замон бўлиб, доимо насб ҳолатида хабарга мутағаллиқ бўлади, мисол:

كَيْفَ أَنْتَ؟

Ёки ҳолга мутағаллиқ бўлади, мисол:

كَيْفَ جَاءَ خَالِدٌ.

Яъни *كَيْفَ* ёки хабар ёки ҳол сифатида эъробланади.



قَبْلُ ва بَعْدُлар музофун илайҳ зикр қилинган бўлса, мўъроб бўладилар. Агар маҳзуф бўлса, мабний бўладилар.

*Матнда зикри келмаган зарфи замонлар:*

بَيْنَا، بَيْنَمَا، الْآنَ، رَيْثَ، مَعَ، لَمَّا.

*Матнда зикри келмаган зарфи маконлар:*

أَنْتِي، لَدَى، لَدُنْ، أَيْنَ، دُونَ، عَلَى، مَعَ.

*Бунга ушбу оят мисол:*

«وَأَلْفَيَْا سَيِّدَهَا لَدَى الْبَابِ»

**Маъноси:** “Эшик олдида икковлари у (хотин)нинг хўжайинига дуч келишди” (Юсуф сураси, 25-оят).

Мулоҳаза қилинадики, مَعَ ҳам зарфи замон, ҳам зарфи макон учун келади. Замонга мисол ушбу оят:

«إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا»

**Маъноси:** “Албатта, бир қийинчилик билан осончилик бордир” (Шарҳ сураси, 6-оят).

*Маконга мисол:*

«أَنَا مَعَكَ».

Ушбу зарф мўъроб бўлиб, мансубдир. Лекин бир лугатда сукун ила келади ва сукунга мабний ҳолда насб ўрнида бўлади.)

وَالسَّابِعُ: أَسْمَاءُ الْكِنَايَاتِ، وَالْكِنَايَةُ قِسْمَانِ:

١ - إِمَّا عَنِ الْعَدَدِ، مِثْلُ: كَمْ، وَكَذَا،

٢ - وَإِمَّا عَنِ الْحَدِيثِ، مِثْلُ: كَيْتَ، وَذَيْتَ.

7. Киноя исмлар, мисол:

كَمْ، كَذَا

Булар ададдан киноя.

كَيْتَ، ذَيْتَ

Булар сўзлашдан киноя.

وَالثَّامِنُ: الْمُرَكَّبُ الْعَدَدِيُّ، مِثْلُ: أَحَدَ عَشَرَ.

8. Мураккаб бинойий, мисол:

أَحَدَ عَشَرَ.

Бунинг зикри маъноси тугал бўлмаган мураккаб ҳақидаги фаслда ўтди.

## فَصْلٌ فِي أَقْسَامِ الْإِسْمِ

إِعْلَمَنَّ أَنَّ الْإِسْمَ ضَرْبَانِ: مَعْرِفَةٌ، وَنَكْرَةٌ.

فَالْمَعْرِفَةُ: مَا وُضِعَ لِشَيْءٍ مُعَيَّنٍ، وَهِيَ سَبْعَةٌ أَقْسَامٍ:

الْأَوَّلُ: الْمُضْمَرَاتُ،

وَالثَّانِي: الْأَعْلَامُ، مِثْلُ: «زَيْدٌ» وَ«عَمْرُو»،

وَالثَّلَاثُ: الْأَسْمَاءُ الْإِشَارَةُ،

وَالرَّابِعُ: الْأَسْمَاءُ الْمَوْصُولَاتُ،

وَبِقَايَ الْهَذَيْنِ الْقِسْمَيْنِ الْمُبْهَمَاتُ.

وَالْخَامِسُ: الْمَعْرَفُ بِالنِّدَاءِ، مِثْلُ: «يَا رَجُلُ»،

وَالسَّادِسُ: الْمَعْرَفُ بِالْأَلِفِ وَاللَّامِ، مِثْلُ: «الرَّجُلُ»،

وَالسَّابِعُ الْإِضَافَةُ إِلَى أَحَدِهِمَا، مِثْلُ: «غُلَامُهُ»، وَ«غُلَامُ زَيْدٍ»، وَ«غُلَامٌ هَذَا»

وَ«غُلَامٌ الَّذِي عِنْدِي»، وَ«غُلَامُ الرَّجُلِ».

## ИСМНИНГ ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Билгинки исм икки турлидир: маърифа ва накра.

Маърифа: муайян нарса учун тайин қилинган лафздир. У етти навъга бўлинади:

1. Замирлар.
2. Аламлар, мисол: زَيْدٌ، عَمْرُو.
3. Исми ишоралар.
4. Исми мавсулалар.

Охирги икки навъни “мубҳам исмлар” деб аталади.

5. Нидо ила маърифа, мисол: يَا رَجُلٌ.
6. ال ила маърифа, мисол: الرَّجُلُ.

7. Юқорида зикр қилиб ўтилган олти навъдан бирига музоф бўлган лафз, мисол:

غُلَامُهُ، غُلَامُ زَيْدٍ، غُلَامٌ هَذَا، غُلَامٌ الَّذِي عِنْدِي، غُلَامُ الرَّجُلِ.

وَالنَّكْرَةُ: مَا وُضِعَ لِشَيْءٍ غَيْرِ مُعَيَّنٍ، مِثْلُ: «رَجُلٌ»، وَ«فَرَسٌ».

Накра: муайян нарса учун тайин қилинмаган лафздир, мисол: رَجُلٌ، فَرَسٌ.

ثُمَّ اعْلَمَنَّ أَنَّ الْإِسْمَ صِنْفَانِ:

١ - مُذَكَّرٌ،

٢ - وَمُؤَنَّثٌ.

فَالْمُذَكَّرُ: مَا لَيْسَ فِيهِ عِلَامَةُ التَّنْيِثِ، مِثْلُ: «رَجُلٌ».

وَالْمُؤَنَّثُ: مَا فِيهِ عِلَامَةُ التَّنْيِثِ، مِثْلُ: «امْرَأَةٌ».

Сўнгра билгинки исм икки турлидир: музаккар ва муаннас.

Музаккар: унда муаннаслик аломати бўлмаган исмдир, мисол: رَجُلٌ.

Муаннас: унда муаннаслик аломатларидан бири бўлган исм, мисол: امْرَأَةٌ.

وَعِلَامَةُ التَّنْيِثِ أَرْبَعَةٌ:

١ - التَّاءُ، مِثْلُ: «فَاطِمَةٌ» وَ«طَلْحَةُ»،

٢ - وَالْأَلِفُ الْمَقْصُورَةُ، مِثْلُ: «حُبْلَى»،

٣ - وَالْأَلِفُ الْمَمْدُودَةُ، مِثْلُ: «حَمْرَاءُ»،

٤ - وَالتَّاءُ الْمُقَدَّرَةُ، مِثْلُ: «أَرْضٌ»، كَانَتْ فِي الْأَصْلِ: أَرْضَةٌ، بِدَلِيلِ أَرْضِيَّةٍ، لِأَنَّ

التَّصْغِيرَ يَزِيدُ الْأَسْمَاءَ إِلَى أَصْلِهَا، وَيُسَمُّونَهُ مُؤَنَّثًا سَمَاعِيًّا.

Муаннаслик аломатлари тўртта:

1. Сўзнинг охирида  $\text{ة}$  бўлиши, мисол:  $\text{طَلْحَةُ، فَاطِمَةُ}$ .

2. Мақсур (чўзилмаган) “алиф”, мисол:  $\text{حُبْلَى}$

3. Мамдуд (чўзилган) “алиф”, мисол:  $\text{حَمْرَاءُ}$ .

4. Такдирда бўлган  $\text{ة}$ , мисол:  $\text{أَرْضٌ}$ . Бу мисолнинг асли  $\text{أَرْضَةٌ}$  бўлиб бунинг далили  $\text{أَرْضٌ}$ нинг исми тасғиридир.  $\text{أَرْضٌ}$ нинг исми тасғири  $\text{أَرْضَةٌ}$  бўлиб исмлар исми тасғир қилинганда аслига қайтариладилар. Ушбу охирги қисм “самоъий муаннас” (муаннаслигига аломати бўлмагани учун муаннаслиги асл араблардан эшитиб билинган) деб аталади.

(Исми тасғир ўзбек тилида кичиклаштириш учун “ча” қўшимчаси қўшилгани каби араб тилида ясаладиган исмдир).

وَاعْلَمَ أَنَّ الْمُؤَنَّثَ عَلَى قِسْمَيْنِ:

١ - حَقِيقِيٌّ،

٢ - وَاللَّفْظِيُّ [مَجَازِيٌّ]

فَالْحَقِيقِيُّ: مَا يَكُونُ بِإِزَائِهِ حَيَوَانٌ مُدَكَّرٌ، مِثْلُ: «امْرَأَةٌ» بِإِزَائِهِ رَجُلٌ، وَ«نَاقَةٌ» بِإِزَائِهِ

جَمَلٌ.

وَاللَّفْظِيُّ [الْمَجَازِيُّ]: مَا لَا يَكُونُ بِإِزَائِهِ حَيَوَانٌ مُدَكَّرٌ، مِثْلُ: «ظُلْمَةٌ»، وَ«قُوَّةٌ» [أَوْ فِيهِ  
عَلَامَةٌ مِنْ عِلْمَاتِ التَّأْنِيثِ وَيَدُلُّ عَلَى مُدَكَّرٍ، مِثْلُ: «حَمْرَةٌ»].

Билгинки, муаннас икки турлидир: ҳақиқий ва лафзий (мажозий).

Ҳақиқий муаннас: Инсон ва ҳайвондан бўлган музаккарнинг зидди бўлган нарсадир.

Мисол: امْرَأَةٌ муаннас, унинг зидди رَجُلٌ бўлиб у музаккардир. Яна نَاقَةٌ (урғочи туя) муаннас, унинг зидди جَمَلٌ (эркак туя) бўлиб у музаккардир.

Лафзий муаннас: Инсон ва ҳайвондан бўлган музаккарнинг зидди бўлмаган нарсадир. Мисол: ظُلْمَةٌ (зулмат), قُوَّةٌ (қувват). (Ёки унда таънис аломатларидан бир аломат бўлиб ўзи музаккарга далолат қилади, мисол: حَمْرَةٌ).

ثُمَّ اعْلَمْ أَنَّ الْإِسْمَ عَلَى ثَلَاثَةِ أَصْنَافٍ:

١ - وَاحِدٌ،

٢ - وَمُنْتَهَى،

٣ - وَمَجْمُوعٌ.

فَالْوَّاحِدُ: مَا يَدُلُّ عَلَى الْوَاحِدِ، مِثْلُ: «رَجُلٌ».

وَالْمُثَنِّي: مَا يَدُلُّ عَلَى الْإِثْنَيْنِ بِلُحُوقِ الْأَلْفِ أَوْ الْيَاءِ الْمَفْتُوحِ مَا قَبْلَهَا، وَالثُّونُ الْمَكْسُورَةُ فِي آخِرِهِ، مِثْلُ: «رَجُلَانِ»، وَ«رَجُلَيْنِ».

وَالْمَجْمُوعُ: مَا يَدُلُّ عَلَى مَا فَوْقَ الْإِثْنَيْنِ بِسَبَبِ التَّغْيِيرِ فِي وَاحِدِهِ، وَقَدْ يَكُونُ التَّغْيِيرُ لَفْظًا، مِثْلُ: «رِجَالٌ» وَتَقْدِيرًا، مِثْلُ: «فُلُكُ»، وَاحِدُهُ فُلُكٌ عَلَى وَزْنِ قُفْلٍ وَجَمْعُهُ: فُلُكٌ أَيْضًا عَلَى وَزْنِ أُسْدٍ.

Билгинки, исм уч синфдир: муфрад, мусанно ва жамъ.

Муфрад: бир донага далолат қилган исм, мисол: رَجُلٌ (бир эркак).

Мусанно: Ўзидан олдинги ҳарф фатҳали бўлган, ўзи зиёда бўлган ا ёки ي ва ўзи зиёда бўлган ҳолда касрали бўлган ن ила икки дона нарсага далолат қилган исм. Мисол: رَجُلَانِ (икки эркак), رَجُلَيْنِ (наиб ва жор ҳолати).

Жамъ: Муфрадида ўзгариш бўлган ҳолда иккидан кўп нарсага далолат қилган исмдир. Бу ҳолат лафзан бўлади, мисол رِجَالٌ (рижлнинг жамъи). Ёки тақдиран бўлади, мисол: فُلُكٌ, ушбу исм жамъ сийғасида келган бўлиб أُسْدٌ (шер, йўлбарс)нинг жамъ сийғаси бўлмиш





Сулосий вазнларда жамъи таксирнинг вазнлари эшитиб билинади, бу вазнларда уларни қиёслаб чиқариб бўлмайди.

Рубобий ва хумосий вазнларда **فَعَالِل** вазнида келади, мисол:

جَعْفَرٌ - جَعَاْفِرٌ، جَحْمَرِشٌ - جَحَامِرٌ.

Хумосийдаги исмнинг жамъи таксирида охириги бешинчи ҳарф ҳазф қилинади.

( **Изоҳ:** *جَحْمَرِشٌ* сўзи оғир ва жуссаси катта бўлган ёки қариб қолган аёлга нисбатан ишлатилади. Шунингдек ёши катта туяга нисбатан ҳам ишлатилади).

وَجَمْعُ التَّصْحِيحِ: مَا لَا يَتَغَيَّرُ فِيهِ بِنَاءٌ وَاحِدِهِ، وَهُوَ قِسْمَانِ:

١ - جَمْعُ الْمَذْكَرِ،

٢ - وَجَمْعُ الْمَوْثِثِ.

فَجَمْعُ الْمَذْكَرِ: مَا أُحِقَّ بِآخِرِهِ وَآوُ مَضْمُومٌ مَا قَبْلَهَا، أَوْ يَاءٌ مَكْسُورٌ مَا قَبْلَهَا، وَنُونٌ مَفْتُوحَةٌ فِي آخِرِهِ، مِثْلُ: «مُسْلِمُونَ» وَ«مُسْلِمِينَ»، [وَيُسَمَّى جَمْعَ الْمَذْكَرِ السَّالِمِ].

وَجَمْعُ الْمَوْثِثِ: مَا أُحِقَّ بِآخِرِهِ أَلْفٌ وَتَاءٌ، مِثْلُ: «مُسْلِمَاتٌ»، [وَيُسَمَّى جَمْعَ الْمَوْثِثِ السَّالِمِ].

Жамъи саҳиҳ: Исмни унга ўтказилганда бирлик кўриниши соғлом қоладиган жамъдир. У икки қисм бўлади:

1. Жамъи музаккари солим.
2. Жамъи муаннаси солим.

Жамъи музаккари солим: Охирига ўзидан олдинги ҳарф заммали бўлган و ёки ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган ي билан фатҳали бўлган ن зиёда қилинган жамъдир, мисол:

مُسْلِمُونَ، مُسْلِمِينَ.

Жамъи муаннаси солим: Охирига ا ва ت зиёда қилинган жамъдир, мисол: مُسْلِمَاتٌ. (Зиёда қилинган ушбу ت муфраддаги ة ҳазф қилинган келтирилган. Шунинг учун مُسْلِمَةٌнинг жамъи مُسْلِمَاتٌ бўлган).

وَاعْلَمَ أَنَّ الْجُمُعَ نَوْعَانِ؛ بِإِعْتِبَارِ الْمَعْنَى:

١ - جَمْعُ الْقَلَّةِ،

٢ - وَجَمْعُ الْكَثْرَةِ.

Билгинки, жамъ маъно жиҳатидан икки навлидир:

1. Жамъи қиллат (Озлик жамъи).

## 2. Жамъи касрат (Кўплик жамъи).

فَجَمْعُ الْقَلَّةِ: مَا يُطْلَقُ عَلَى الْعَشْرَةِ وَمَا تَحْتَهَا، وَأَبْنَيْتُهُ أَرْبَعٌ:

١ - أَفْعَلٌ، مِثْلُ: «أَكْلَبٌ»،

٢ - وَأَفْعَالٌ، مِثْلُ: «أَقْوَالٌ»،

٣ - وَأَفْعَلَةٌ، مِثْلُ: «أَعْوَنَةٌ»،

٤ - وَفَعْلَةٌ، مِثْلُ: «غَلْمَةٌ».

وَجَمْعُ التَّصْحِيحِ بِلاَ أَلْفٍ وَلاَ يَعْني مُسْلِمُونَ وَمُسْلِمَاتٌ، فَالْمَجْمُوعَةُ سِتَّةٌ أَوْزَانٍ.

وَجَمْعُ الْكَثْرَةِ مَا يُطْلَقُ عَلَى مَا فَوْقَ الْعَشْرَةِ، وَأَوْزَانُهُ مَا عَدَا الْأَوْزَانَ الْمَذْكُورَةَ (٢).

Жамъи қиллат (Озлик жамъи): ўнтадан кам бўлган кўпликка далолат қилувчи жамъ. Унинг тўртта вазни бор:

أَفْعَلٌ - أَكْلَبٌ، أَفْعَالٌ - أَقْوَالٌ، أَفْعَلَةٌ - أَعْوَنَةٌ، فَعْلَةٌ - غَلْمَةٌ.

каби солим жамъларга ال кирмаганда ўлар ҳам жамъи қиллатга далолат қиладилар. Шунда жамъи қиллатнинг вазнларининг умумий сони олтита бўлади.

Жамъи касрат (Кўплик жамъи): Ўнта ва ундан кўпга далолат қилувчи жамъ. Унинг вазнлари

юқорида санаб ўтилганлардан бошқа барча вазнлардир.

**Изоҳ:** Жамъи касратнинг вазнлари кўндир, уларнинг кўп ишлатиладиганлари қуйидагилар:

فُعْلٌ - حُمْرٌ، فُعْلٌ - كُتِبَ، فَعْلٌ - قَطَعَ، فَعْلَةٌ - قُضَاةٌ، فَعْلَةٌ - سَحَرَةٌ، فَعْلَى -  
 مَرَضَى، فَعْلَةٌ - دَبَبَةٌ، فُعْلٌ - رَزَعٌ، فِعَالٌ - كِتَابٌ، فُعُولٌ - قُلُوبٌ، فِعْلَانٌ - غِلْمَانٌ،  
 فَعْلَانٌ - عَضْبَانٌ، فُعْلَاءٌ - نُبَهَاءٌ، أَفْعَلَاءٌ - أَنْبِيَاءٌ.

## فَصْلٌ فِي إِعْرَابِ الْأِسْمِ

إِعْلَمَنَّ أَنَّ إِعْرَابَ الْأِسْمِ ثَلَاثَةٌ:

١ - رَفْعٌ،

٢ - وَنَصْبٌ،

٣ - وَجَرٌ.

## ИСМ ЭЪРОБИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Билгинки, исмнинг эъроби уч турлидир:

1. Рафъ.

2. Насб.

3. Жор.

وَالْأَسْمُ الْمُتَمَكِّنُ سِتَّةَ عَشَرَ قِسْمًا بِاعْتِبَارِ وُجُوهِ الْإِعْرَابِ:

الْأَوَّلُ: الْمَفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الصَّحِيحُ، مِثْلُ: «زَيْدٌ».

Мутамаккин исм эъроб кўринишлари жиҳатидан ўн олти қисмга бўлинади:

1. Муфрад мунсариф саҳиҳ исм, мисол: زَيْدٌ.

(Наҳв истилоҳида: Охирида ҳарфи иллат бўлмаган исм).

وَالثَّانِي: الْمَفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الْجَارِي مَجْرِي الصَّحِيحِ، مِثْلُ: «دَلُوٌّ».

2. Муфрад мунсариф бўлиб, саҳиҳ каби бўлган исм, мисол: دَلُوٌّ. (Охирида ўзидан олдинги ҳарф сукунли бўлган و ёки ي ҳарфлари бўлган исм).

وَالثَّلَاثُ: الْجَمْعُ الْمَكْسَرُ الْمُنْصَرَفُ، مِثْلُ: «رِجَالٌ».

وَتُرْفَعُ هَذِهِ الثَّلَاثَةُ وَعَلَامَةٌ رَفَعَهَا: الضَّمَّةُ، وَتُنْصَبُ وَعَلَامَةٌ نَصَبَهَا: الْفَتْحَةُ، وَتُجْرُ  
 وَعَلَامَةٌ جَرَّهَا: الْكَسْرَةُ، كَمَا فِي «جَاءَنِي زَيْدٌ وَدَلُّوْا رِجَالًا»، وَ«رَأَيْتُ زَيْدًا وَدَلُّوْا رِجَالًا»،  
 وَ«مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَدَلُّوْا رِجَالًا».

3. Жамъи таксир мунсариф исм, мисол: رِجَالٌ.  
 (Жамъи таксир бу ерда “мунсариф” дейилишига сабаб жамъи таксирнинг мунсариф бўлмагани ҳам борлигидандир, мисол: مَصَابِيحُ).

Ушбу уч қисм замма ила рафъ бўлади, фатҳа ила насб бўлади ва касра ила жор бўлади.

Мисоллар:

جَاءَنِي زَيْدٌ، هَذَا دَلُّوْا، جَاءَنِي رِجَالٌ. رَأَيْتُ زَيْدًا، رَأَيْتُ دَلُّوْا، رَأَيْتُ رِجَالًا. مَرَرْتُ بِزَيْدٍ،  
 مَرَرْتُ بِدَلُّوْا، مَرَرْتُ بِرِجَالٍ.

وَالرَّابِعُ: جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّلْمِ؛ رَفَعُهُ بِالضَّمَّةِ، وَنَصَبُهُ وَجَرُّهُ بِالْكَسْرَةِ، مِثْلُ: «هُنَّ  
 مُسَلِمَاتٌ» وَ«رَأَيْتُ مُسَلِمَاتٍ» وَ«مَرَرْتُ بِمُسَلِمَاتٍ».

4. Жамъи муаннаси солим, замма ила рафъ бўлади, касра ила насб ва жор бўлади, мисол:

هُنَّ مُسَلِمَاتٌ، رَأَيْتُ مُسَلِمَاتٍ، مَرَرْتُ بِمُسَلِمَاتٍ.

وَالْحَامِسُ: غَيْرُ الْمُنْصَرِفِ؛ وَهُوَ اسْمٌ يَكُونُ فِيهِ سَبَبَانِ مِنْ أَسْبَابِ مَنْعِ الصَّرْفِ.  
وَأَسْبَابُهُ تِسْعَةٌ:

١ - عَدْلٌ،

٢ - وَوَصْفٌ،

٣ - وَتَأْنِيثٌ،

٤ - وَمَعْرِفَةٌ،

٥ - وَعُجْمَةٌ،

٦ - وَجَمْعٌ،

٧ - وَتَرْكِيبٌ،

٨ - وَوُزْنُ فِعْلٍ،

٩ - وَالْفُ وَنُونُ زَائِدَتَانِ؛

مِثْلُ: «عُمَرُ» وَ«أَحْمَرُ» وَ«طَلْحَةُ» وَ«زَيْنَبُ» وَ«إِبْرَاهِيمُ» وَ«مَسَاجِدُ»  
وَ«مَعْدِيكِرَبُ» وَ«أَحْمَدُ» وَ«عِمْرَانُ».

رَفَعُهُ بِالضَّمَّةِ، وَنَصَبُهُ وَجَرُّهُ بِالْفَتْحَةِ، نَحْوُ: «جَاءَنِي عُمَرُ» وَ«رَأَيْتُ عُمَرَ» وَمَرَرْتُ  
بِعُمَرَ».



5. Мунсариф бўлмаган исм. У сарфдан ман этувчи сабаблардан иккисини ёки икки сабаб ўрнини босувчи бир сабабни ўзида мужассам этган исмдир. Сарфдан ман этувчи сабаблар тўққизтадир:

(1) адл, (2) васф, (3) таънис, (4) маърифа, (5) ажамийлик, (6) жамъ, (7) таркиб, (8) феъл вазни, (9) зоида | ва ن.

Буларга тартиб рақамларига мувофиқ мисоллар:

(1) عُمَرُ (2) أَحْمَرُ (3) طَلْحَةُ (4) زَيْنَبُ (5) إِبْرَاهِيمُ (6) مَسَاجِدُ (7) مَعْدِيكِرِبَ (8) أَحْمَدُ (9) عِمْرَانُ.

Мунсариф бўлмаган исм замма ила рафъ қилинади, касра ила насб ва жор қилинади, мисол:

جَاءَ عُمَرُ، رَأَيْتُ عُمَرَ، مَرَرْتُ بِعُمَرَ.

وَالسَّادِسُ: الْأَسْمَاءُ السِّتَّةُ الْمَكْبَرَةُ؛ مُضَافَةً إِلَى غَيْرِ يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ وَهِيَ: أَبٌ، وَأَخٌ، وَحَمٌّ، وَهَنْ، وَفَمٌّ، وَذُو مَالٍ.

رَفَعُهَا: بِالْوَاوِ، وَنَصَبُهَا: بِالْأَلِفِ، وَجَرُّهَا: بِالْيَاءِ، مِثْلُ: «جَاءَ أَبُوكَ»، وَ«رَأَيْتُ أَبَاكَ»، وَ«مَرَرْتُ بِأَبِيكَ» [وَكَذَا الْبَوَاقِي].

6. Тасғир қилинмаган, бирликда келган ва ي мутакаллимдан бошқага изофа қилинган олти исм, улар:

أَبٌ، أَخٌ، حَمٌّ، هُنٌّ، فَمٌّ، ذُو مَالٍ.

Ушбу исмлар و ила рафъ, ا ила насб ва ي ила жор қилинади. Мисоллар:

جَاءَ أَبُوكَ، رَأَيْتُ أَبَاكَ، مَرَرْتُ بِأَبِيكَ.

(“Тасғир қилинмаган, бирликда келган ва ي мутакаллимдан бошқага изофа қилинган” дейилишидан мурод ушбу исмлар тасғир қилинганда замма, фатҳа ва касра ила эробланади. Ушбу исмлар таснияда келганда тасния исмлар эъроби ила эъробланади. Ушбу исмлар жамъ бўлиб келганда жамъ исмлар эъроби ила эъробланади.

Ушбу исмлар изофадан холи бўлганда муфрад мунсариф саҳиҳ исмлар каби эъробланади, мисол:

جَاءَنِي أَخٌ، رَأَيْتُ أَخًا، مَرَرْتُ بِأَخٍ.

Ушбу исмлардан бўлган ذُو замир исмларга изофа қилинмайди, масалан ذُوهُ дейилмайди, балки ذُو مَالٍ дейилади.

Ушбу исмларнинг аввалги тўрттасининг охиридан و ҳазф қилинган. Уларнинг асл кўринишлари:

أَبُو، أَخُو، هُنُو، حَمُو.

Бешинчи исмнинг асли *فُوهُ* бўлиб *و* ҳарфи *م* га алмаштирилган. Ушбу исм изофа қилинганда *و* қайтарилади, мисол: *فُوكَ*.)

(Изоҳ: Ушбу олти исм *ي* мутакаллимга изофа қилинса *ي* дан олдинги ҳарфда тақдирда бўлган ҳаракатлар ила эъробланади, мисоллар:

(*جَائِي أَبِي، رَأَيْتُ أَبِي، مَرَرْتُ بِأَبِي*)..

*السَّابِعُ: الْمُثَنِّي، كَ: «رَجُلَيْنِ».*

7. Мусанно, мисол:

*رَجُلَانِ، إِمْرَأَتَانِ.*

*وَالثَّامِنُ: كِلَا وَكِلْتَا؛ مُضَافَيْنِ إِلَى مُضَمَّرٍ.*

8. Замирга музоф бўлган *كِلا* ва *كِلتا*.

(Изоҳ: *كِلا* ва *كِلتا* зоҳир исмга изофа қилинганда мабний бўлади, мисоллар:

جَاءَ كِلَا الرَّجُلَيْنِ، وَرَأَيْتُ كِلَا الرَّجُلَيْنِ، وَمَرَرْتُ بِكِلَا الرَّجُلَيْنِ.

Бундан бошқа ҳолатларда улар муъроб бўладилар).

وَالتَّاسِعُ: اِثْنَانِ، وَاثْنَتَانِ.

رَفَعُهَا: بِالْأَلْفِ، وَنَصَبُهَا وَجَرُّهَا: بِأَلْيَاءِ الْمَفْتُوحِ مَا قَبْلَهَا، كَمَا فِي: «جَاءَ رَجُلَانِ وَكِلَاهُمَا وَاثْنَانِ»، وَ«رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ وَكِلَيْهِمَا وَاثْنَيْنِ»، وَ«مَرَرْتُ بِرَجُلَيْنِ وَكِلَيْهِمَا وَاثْنَيْنِ».

9. اِثْنَانِ ва اِثْنَتَانِ.

Ушбу охирги уч қисм а ила рафъ қилинади ва ўзидан олдинги ҳарф фатҳали бўлган ي ила насб ва жор қилинади. Мисол:

جَاءَ رَجُلَانِ، جَاءَ اِمْرَاتَانِ، جَاءَ كِلَاهُمَا، جَاءَتْ كِلْتَاهُمَا، جَاءَتْ اِثْنَانِ، جَاءَتْ اِثْنَتَانِ.  
رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ، رَأَيْتُ اِمْرَاتَيْنِ، رَأَيْتُ كِلَيْهِمَا، رَأَيْتُ كِلْتَيْهِمَا، رَأَيْتُ اِثْنَيْنِ، رَأَيْتُ اِثْنَتَيْنِ. مَرَرْتُ بِرَجُلَيْنِ، مَرَرْتُ بِاِمْرَاتَيْنِ، مَرَرْتُ بِكِلَيْهِمَا، مَرَرْتُ بِكِلْتَيْهِمَا، مَرَرْتُ بِاِثْنَيْنِ، مَرَرْتُ بِاِثْنَتَيْنِ.

وَالْعَاشِرُ: جَمْعُ الْمُدَّكَّرِ السَّلَامِ، مِثْلُ: «مُسْلِمُونَ».

10. Жамъи музаккари солим, мисол: مُسْلِمُونَ.

## وَالْحَادِي عَشَرَ: أُوْلُو.

11. أُوْلُو (бу исм дунинг лафзидан бўлмаган жамъидир).

### وَالثَّانِي عَشَرَ: عِشْرُونَ إِلَى تِسْعِينَ.

رَفْعُهَا: بِالْأَوَّلِ الْمَضْمُونِ مَا قَبْلَهَا، وَنَصْبُهَا وَجَرُّهَا: بِالْيَاءِ الْمَكْسُورِ مَا قَبْلَهَا، نَحْوُ:

«جَاءَ مُسْلِمُونَ وَأُولُو مَالٍ وَعِشْرُونَ رَجُلًا» وَ«رَأَيْتُ مُسْلِمِينَ وَأُولِي مَالٍ وَعِشْرِينَ

رَجُلًا» وَ«مَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ وَأُولِي مَالٍ وَعِشْرِينَ رَجُلًا».

12. “Ўнталик”ларнинг адади  $\text{عِشْرُونَ}$  дан  $\text{تِسْعُونَ}$  гача.

Ушбу охирги уч қисм ўзидан олдинги ҳарф заммали бўлган  $\text{و}$  ила рафъ қилинади ва ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган  $\text{ي}$  ила насб ва жор қилинади. Мисол:

جَاءَ مُسْلِمُونَ، جَاءَ أُوْلُو مَالٍ، جَاءَ عِشْرُونَ رَجُلًا. رَأَيْتُ مُسْلِمِينَ، رَأَيْتُ أُوْلِي مَالٍ،

رَأَيْتُ عِشْرِينَ رَجُلًا. مَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ، مَرَرْتُ بِأُولِي مَالٍ، مَرَرْتُ بِعِشْرِينَ رَجُلًا.

وَالثَّلَاثُ عَشَرَ: الْأِسْمُ الْمَقْصُورُ؛ وَهُوَ مَا فِي آخِرِهِ أَلِفٌ مَقْصُورٌ، كَ «مُوسَى».

13. Исми мақсур – охирида мақсура алиф (ى) бўлган исмдир, мисол:

مُوسَى، عِيسَى، حُبْلَى، بُشْرَى.

وَالرَّابِعُ عَشَرَ: غَيْرُ جَمْعِ الْمَذْكَرِ السَّلَامِ؛ مُضَافًا إِلَى يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ، كَ «غُلَامِي». رَفَعُهُمَا: بِتَقْدِيرِ الضَّمَّةِ، وَنَصْبُهُمَا: بِتَقْدِيرِ الْفَتْحَةِ، وَجَرُّهُمَا: بِتَقْدِيرِ الْكَسْرِ مِنْ غَيْرِ فَرْقٍ فِي اللَّفْظِ، مِثْلُ: «جَاءَ مُوسَى وَغُلَامِي»، وَ«رَأَيْتُ مُوسَى وَغُلَامِي»، وَ«مَرَرْتُ بِمُوسَى وَغُلَامِي».

14. Мутакаллим ىсига музоф бўлган, жамъи музаккари солим бўлмаган исм, мисол: غُلَامِي.

Ушбу охирги икки қисм тақдирдаги замма ила рафъ қилинади, тақдирдаги фатҳа ила насб қилинади, тақдирдаги касра ила жор қилинади. Лафз эса ҳар қандай ҳолатда ҳам бир кўринишда бўлади, мисол:

جَاءَ مُوسَى، جَاءَ غُلَامِي. رَأَيْتُ مُوسَى، رَأَيْتُ غُلَامِي. مَرَرْتُ بِمُوسَى، مَرَرْتُ بِغُلَامِي.

وَالْحَامِسُ عَشَرَ: الْأِسْمُ الْمُنْقُوصُ؛ وَهُوَ مَا فِي آخِرِهِ يَاءٌ مَكْسُورَةٌ مَا قَبْلَهَا، كَ  
«الْقَاضِي».

رَفْعُهُ: بِتَقْدِيرِ الضَّمَّةِ، وَنَصْبُهُ: بِالْفَتْحَةِ اللَّفْظِيَّةِ، وَجَرُّهُ: بِتَقْدِيرِ الْكَسْرِ، مِثْلُ: «جَاءَ  
الْقَاضِي» وَ«رَأَيْتُ الْقَاضِي» وَ«مَرَرْتُ بِالْقَاضِي».

15. Исми ноқис, яна “исми манқус” деб ҳам аталади. Ушбу исмнинг охирида ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган ي бўлади, мисол: القَاضِي.

Тақдирдаги замма ила рафъ қилинади, зоҳир фатҳа ила насб қилинади ва тақдирдаги касра ила жор қилинади. Мисол:

جَاءَ الْقَاضِي، رَأَيْتُ الْقَاضِي، مَرَرْتُ بِالْقَاضِي.

وَالسَّادِسُ عَشَرَ: جَمْعُ الْمَذْكَرِ السَّامِّ؛ مُضَافًا إِلَى يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ، كَ «مُسْلِمِي».

رَفْعُهُ: بِتَقْدِيرِ الْوَاوِ، وَنَصْبُهُ وَجَرُّهُ: بِالْيَاءِ الْمَكْسُورِ مَا قَبْلَهَا، مِثْلُ: «هَؤُلَاءِ  
مُسْلِمِي»؛ تَقْدِيرُهُ: مُسْلِمُوِي، سَقَطَتِ التَّوْنُ بِالْإِضَافَةِ، فَاجْتَمَعَتِ الْوَاوُ وَالْيَاءُ فِي كَلِمَةٍ  
وَاحِدَةٍ، وَالْأُولَى مِنْهُمَا سَاكِنَةٌ، فَقَلِبَتِ الْوَاوُ يَاءً، وَأُدْغِمَتِ الْيَاءُ فِي الْيَاءِ، وَأُبْدِلَتْ ضَمَّةُ  
الْمِيمِ كَسْرَةً رِعَايَةً لِلْيَاءِ، فَصَارَ مُسْلِمِي، وَ«رَأَيْتُ مُسْلِمِي» وَ«مَرَرْتُ بِمُسْلِمِي».

16. Мутакаллим  $ي$  сига музоф бўлган жамъи музаккари солим, мисол:  $مُسْلِمِيَّ$ .

Ушбу исм тақдирдаги  $و$  ила рафъ қилинади, мисол:  $مُسْلِمِيَّ$ . Бу мисолда асл кўриниш  $مُسْلِمُوِيَّ$  бўлиб  $ن$  ҳарфи  $ي$  га изофа бўлгани учун ҳазф қилинган. Шунда  $و$  ва  $ي$  бир жойда жам бўлган ва улардан биринчиси сукунли бўлгани учун  $ي$  га алмаштирилиб, икки  $ي$  бир–бирига идғом қилинган. Сўнгра  $م$  даги замма  $ي$  га муносиб бўлиши учун касрага алмаштирилганда  $مُسْلِمِيَّ$  ҳосил бўлган.

Ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган  $ي$  ила насб ва жор қилинади, мисол:

رَأَيْتُ مُسْلِمِيَّ، مَرَرْتُ بِمُسْلِمِيَّ.

## فَصْلٌ فِي إِعْرَابِ الْمُضَارِعِ

وَاعْلَمَ أَنَّ إِعْرَابَهُ ثَلَاثَةٌ:

١ - رَفْعٌ،

٢ - وَنَصْبٌ،



## МУЗОРЕЪНИНГ ЭЪРОБИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Билгинки музореънинг эъроби уч турлидир:

1. Рафъ.
2. Насб
3. Жазм.

وَالْفِعْلُ الْمَضَارِعُ أَرْبَعَةٌ أَفْسَامٌ بِاعْتِبَارِ وُجُوهِ الإِعْرَابِ:

الأوَّلُ: الصَّحِيحُ الْمَجْرَدُ مِنَ الضَّمِيرِ الْبَارِزِ الْمَرْفُوعِ، وَذَلِكَ لِلشَّيْئَةِ، وَجَمْعِ الْمُدَّكَّرِ،  
وَالْمُفْرَدَةِ الْمُؤَنَّثَةِ الْمُخَاطَبَةِ.

فَرَفَعُهُ: بِالضَّمَّةِ، وَنَصَبُهُ: بِالْفَتْحَةِ وَجَزَمُهُ: بِالسُّكُونِ، مِثْلُ: «هُوَ يَضْرِبُ» وَ«لَنْ  
يَضْرِبَ» وَ«لَمْ يَضْرِبْ».

Музореъ феъли эъроб жихатидан тўрт қисмга бўлинади:

1. Тасния, жамъи музаккари ғоиб ва жамъи музаккари ҳозирлардан иборат бўлган зоҳир, марфуъ замирлар ва мухотаба замиридан холи бўлган саҳиҳ

феъл. Замма ила рафъ бўлади, фатҳа ила насб бўлади  
ва суқун ила жазм бўлади, мисол:

هُوَ يَضْرِبُ، لَنْ يَضْرِبَ، لَمْ يَضْرِبْ.

وَالثَّانِي: الْمَفْرَدُ الْمُعْتَلُّ الْوَاوِيُّ، مِثْلُ: «يَعْزُو» وَالْيَائِيُّ، مِثْلُ: «يَرْمِي».

رَفْعُهَا: بِتَقْيِيدِ الضَّمَّةِ، وَنَصْبُهَا: بِالْفَتْحَةِ اللَّفْظِيَّةِ، وَجَزْمُهَا: بِحَذْفِ اللَّامِ، مِثْلُ: «هُوَ

يَعْزُو وَيَرْمِي»، وَ«لَنْ يَعْزُو» وَ«لَنْ يَرْمِي»، وَ«لَمْ يَعْزُو» وَ«لَمْ يَرْمِ».

2. و ва ى ила иллатли бўлган муфрад музореъ  
феъли, мисол:

يَعْزُو، يَرْمِي.

Тақдирдаги замма ила рафъ қилинадилар, зоҳир  
фатҳа ила насб қилинадиладар ва калима вазнидаги  
лни (феълларнинг охиридаги و ва ى ҳарфларини) ҳазф  
қилиш ила жазм қилинади. Мисол:

هُوَ يَعْزُو، هُوَ يَرْمِي، لَنْ يَعْزُو، لَنْ يَرْمِي، لَمْ يَعْزُو، لَمْ يَرْمِ.

وَالثَّلَاثُ: الْمَفْرَدُ الْمُعْتَلُّ الْآخِرُ بِالْأَلِفِ، مِثْلُ: «يَرْضَى».

رَفَعُهُ: بِتَقْدِيرِ الضَّمَّةِ، وَنَصْبُهُ: بِتَقْدِيرِ الْفَتْحَةِ، وَجَزْمُهُ: بِحَذْفِ اللَّامِ [أَيَّ حَرْفِ الْعِلَّةِ الْأَلِفِ]، مِثْلُ: «هُوَ يَرْضَى»، وَ«لَنْ يَرْضَى»، وَ«لَمْ يَرْضَ».

3. “Алиф” (ى) ила иллатли бўлган муфрад музореъ феъли, мисол: يَرْضَى.

(Билгинки, наҳв олимлари наздида “алиф” (ى) ила иллатли бўлган муфрад музореъ феъли охиридаги “алиф” (ى) ва ي дан бадал қилинган (алмаштирилган) бўлади. Бу ҳолат фақат музореъ феълида рўй беради. Сарф олимлари истилоҳида “алиф” (ى) ила иллатли бўлган муфрад музореъ феъли мавжуд эмас, зеро у و ва ي ила иллатли бўлган музореъ феълидандир).

Тақдирдаги замма ила рафъ қилинади, тақдирдаги фатҳа ила насб қилинади ва калима вазнидаги لни (феълнинг охиридаги “алиф” (ى) ҳарфини) ҳазф қилиш ила жазм қилинади.

Мисол:

هُوَ يَرْضَى، لَنْ يَرْضَى، لَمْ يَرْضَ.

وَالرَّابِعُ: الصَّحِيحُ أَوْ الْمُعْتَلُّ بِالْمُضْمَرَاتِ وَالنُّونَاتِ الْمَدْكُورَةِ.

رَفَعُهُمَا: بِإِثْبَاتِ النُّونِ، كَمَا تَقُولُ فِي التَّنْبِيَةِ: «هُمَا يَضْرِبَانِ، وَيَعْرُوانِ، وَيَبْرُمِيَانِ،

وَيَرْضِيَانِ»، [وَ«أَنْتُمَا تَضْرِبَانِ، وَتَعْرُوانِ، وَتَرْمِيَانِ، وَتَرْضِيَانِ»]؛

وَتَقُولُ فِي الْجَمْعِ الْمُدَّكَّرِ: «هُمْ يَضْرِبُونَ، وَيَغْزُونَ، وَيَرْمُونَ، وَيَرْضُونَ»، [وَأَنْتُمْ تَضْرِبُونَ، وَتَغْزُونَ، وَتَرْمُونَ، وَتَرْضُونَ]؛

وَتَقُولُ فِي الْمَفْرَدَةِ الْمُؤَنَّثَةِ الْمُخَاطَبَةِ: «أَنْتِ تَضْرِبِينَ، وَتَغْزِينَ، وَتَرْمِينَ، وَتَرْضِينَ».

وَنَصْبُهُمَا وَجَزْمُهُمَا: بِإِسْقَاطِ النُّونِ، كَمَا تَقُولُ فِي التَّشْبِيهِ: «لَنْ يَضْرِبَا» وَ«لَنْ يَغْزُوا» وَ«لَنْ يَرْمِيَا» وَ«لَنْ يَرْضِيَا»، وَ«لَمْ يَضْرِبَا» وَ«لَمْ يَغْزُوا» وَ«لَمْ يَرْمِيَا» وَ«لَمْ يَرْضِيَا»؛

